O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BUXORO VILOYATI
G'IJDUVON TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҒИЖДУВОН ТУМАНИ
ҲОКИМИ

2020 йил "5" март Ғиждувон тумани № 210

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг "Йул харакати хавфсизлиги тўғрисида"г Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил 15 сон 197-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикда ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 йил 1-2 сон 17 модда) мувофик туманда йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман Ички ишлар бўлими (Ў.Ё.Сойибов), Мудофаа ишлари бўлим (Р.Муродов) белгиланган тартибда ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилга юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техни кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирилсин.

2. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техни кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йуловчилар ташиши учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирадиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлга йўловчиларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йири габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун мўлжалланган транспор воситалари ва уларнинг тиркамаларини бир йилда икки маротаба, 1 мартда 30 апрелгача, 1 сентябрдан 31 октябргача техник кўрикдан ўтказиш;

б) ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йил ҳам шу жумлага киради) транспорт воситаларини (юқорида қайд қилинга транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта техник кўрикда ўтказиш;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигин беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари шунингдек, ишлаб чиқарилга вақти аниқланмаган транспорт воситаларини ҳар йили бир марта техник кўрикда ўтказиш;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси–шатакчи учун белгиланга муддатларга;

ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишни биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикда ўтказилмайди.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларини техник кўриги:

Биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача;

Иккинчи марта – 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача ўтказилсин;

4. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

Мазкур қарорнинг иккинчи банди "а" кичик бандига кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Мототранспорт тиркамалар ва ярим тиркамалар техник кўрикдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирмадан бири миқдорида йиғим ундирилади.

Биринчи (олдинги) техник кўрикда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўрикдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўрик ўтказилганлиги учун йиғим суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилсин.

5. Техник кўрик ўтказиш жадвали биринчи иловага;

Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби иккинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия раиси А.Жумаев;

Юридик шахсга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришномалар юборилсин;

Техник кўрик ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техник хизмат кўрсатиш станцияларида иш вақтида техник техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вактларида ёки хафтанинг дам кунларидан бирида ўтказиш;

Техник кўрикдан ўтказишда техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг шунингдек, техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликлар бартараф этиш бўйича белгиланган тартибда чоралар кўриш.

7. Мазкур қарор билан туман ҳокимининг 2019 йил 28 февраль кунидаги 1317-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор "Гиждувон" газетасида эълон қилинсин ва давлат ҳисобига олиш учун вилоят адлия бошқармасига тақдим этилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.Умаров.**

Ғиждувон туман Ҳокимининг
2020 йил «____» _____даги
_____ - сонли қарорига илова.

Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш
туман комиссияси

Т А Р К И Б И

А.Жумаев - туман ИИБ ЙХХ бўлинмаси бошлиғи комиссия раиси

А ъ з о л а р и

1. Д.Холиқов - Ғиждувон Автодепартаменти бошлиғи
2. Р.Муродов - туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи
3. Ж.Ўроқов - туман «Автомотоҳаваскорлар» жамияти раиси
4. У.Тошев - туман Агросуғурта бўлими бошлиғи
5. Ж.Тошов - туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи